

VI. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

Жорий йилнинг январь–сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмаси 21004,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 105,3 % ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 12,7 % га ўсиб, 5005,1 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 23,8 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 5,5 % га ўсиб, 5104,0 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 24,3 % ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 10894,0 млрд. сўми яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 % га камайди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 51,9 % га тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланишни қўшган ҳолда) таркиби, фоизда (2018 йилнинг январь–сентябрь ҳолатига)



2018 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат


ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 138,2 млрд. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,7 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 20866,6 млрд. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,3 % ниташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси ҳажмда катта улушга эга бўлган Шайхонтоҳур тумани 15,3%, Чилонзор тумани 14,9 % Учтепа тумани 12,9 %, Бектемир тумани 11,1 % ва Юнусобод 10,6 % ни ташкил этган бўлса, Олмазор тумани 4,4% Яккасарой тумани 5,7% улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Тошкент шаҳрида туманларининг жами чакана товар айланмасидаги улуши, фоизда




Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 1058,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 100,2 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 5,0 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Юнусобод тумани 20,5%, Сергели 11,6 %, Мирзо-Улугбек 11,3 %, ташкил этган

бўлса, Бектемир тумани 0,8 %, Учтепа тумани 5,0 % ва Яшнобод тумани 6,2 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Туманларнинг умумий овқатланишдаги улуши, фоизда



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш саръати 112,7 % ни ташкил этди.

Овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 8,4 млн. сўмни ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Бектемир тумани (71,7 млн. сўм), Чилонзор тумани (14,0 млн. сўм), Учтепа тумани (10,6 млн. сўм), Яккасарой тумани (9,9 млн. сўм) Миробод тумани (9,7 млн. сўм) кузатилди.

Чакана товар айланмаси мумий (овқатланишни қўшган ҳолда)

(2018 йил январь-сентябрь)


	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>минг. сўм</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан, % ҳисобида</i>
Тошкент шаҳар бўйича	21004,8	105,3	8464,9	103,5
<i>Туманлар:</i>				
Бектемир	2814,7	102,2	10673,8	100,7
Мирзо Улуғбек	2394,5	101,7	71779,3	99,4
Миробод	2310,5	107,2	7064,0	105,5
Олмазор	1260,3	105,3	4684,2	104,1
Сергели	1323,3	107,0	9780,8	105,3
Учтепа	2730,6	89,4	8212,6	87,9
Чилонзор	882,2	100,5	2485,1	98,9
Шайхонтохур	1323,3	108,7	7434,7	105,4
Юнусобод	1176,3	115,6	9964,1	113,8
Яккасарой	1407,3	110,2	6155,8	107,8
Яшнобод	3381,8	120,2	14045,1	105,3

Жорий йилнинг январь–сентябрида улгуржи савдо товар айланмаси 17911,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,7 % ни ташкил қилди.

Умумий улгуржи савдо товар айланмаси ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсишига қарамасдан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 1,8 % га камайиши кузатилиб, ҳажми 3526,5 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, улгуржи савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Мирзо-Улғбек тумани 17,1 %, Яккасарой тумани 16,1 % Юнусобод тумани 11,4 %, ни ташкил этган бўлса, Бектемир тумани 1,2 %, Учтепа тумани 4,9% улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Тошкент шаҳрида ҳудудларнинг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда



Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 3,9 % га кўпайиб, 14384,8 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 80,3 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси
(январь-сентябрь)

	<i>млрд.сўм</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>	<i>2017 йил январь-сентябрига нисбатан, % ҳисобида</i>
Тошкент шаҳри	17911,5	100,0	102,7
<i>туманлар</i>			
Бектемир	224,4	1,2	100,8
Мирзо-Улугбек	3062,8	17,1	108,9
Миробод	1875,7	10,5	101,8
Олмазор	1695,0	9,5	101,7
Сергели	948,7	5,3	101,2
Учтепа	873,5	4,9	102,3
Чилонзор	1712,9	9,6	103,0
Шайхонтохур	1407,3	7,8	100,8
Юнусобод	2049,3	11,4	100,8
Яккасарой	2883,7	16,1	102,0
Яшнобод	1178,3	6,6	100,1